

МУХОКАМА АХБОРОТИ

“22” декабр 2022 йил

Наманган.ш

Наманган вилояти худудидаги Наманган вилоят ҳокимлигининг ягона буюртмачи инжиниринг компанияси томонидан 2022 йил “12” декабрдаги 22110012209314-сонли лотга асосан Ўзбекистон республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги 684-сонли “Давлат харидлари тўғриси”даги қонуни 56 ва 58 – моддалари талабларидан келиб чиқиб энг яхши таклифларни танлаш тури бўйича Наманган шахар Маргилон кўчасида оқавасув тизимини қуриш учун харидлар амалга оширилиши режалаштирилган. Шунга асосан белгиланган муддатлар асосида Ўзбекистон республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги 684-сонли “Давлат харидлари тўғриси”даги қонуни – 60 ва 61 моддалари талабларидан келиб чиқиб танлов савдолари ўtkазилди. Мазкур танлов савдолари якуни бўйича «Муродил вакт инвест»МЧЖ томонидан берилган таклифлар комиссия аъзолари иштирокидан энг мақбули деб топилди. Ушбу танлов жараёнлари бўйича расмийлаштирилган баённомалар “Давлат харидлари тўғриси”даги қонуни 62 моддасига асосан давлат буюртмачиси томонидан у расмийлаштирилган кунда давлат харидларининг электрон тизимига муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди. Шунга асосан икки иш куни ичида танлаш иштирокчилари томонидан танлаш ўтказиш натижалари бўйича эътиrozлар келиб тушмади. Юқоридаги холатлардан келиб чиқиб, давлат буюртмачиси ва харид комиссияси томонидан ғолиб деб топилган иштирокчи ўртасида шартнома тузилиши мумкин хисобланиши белгилаб олинди. Муҳокама учун белгиланган муддат тугаганидан кейин келиб тушган эътиrozлар харид комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди.

Ташкилоти рахбари

Д.Матмусаев



ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ

№ 209314

2022 йил 22 декабр

Наманган ш.

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган Наманган вилоят хокимлигининг Ягона буюртмачи-инжиниринг компанияси номидан Низом асосида иш кўрувчи компания директори Д.М.Матмусаев бир томондан ва кейинги уринларда «Пудратчи» деб юритиладиган «Муродил вақт инвест» МЧЖ номидан Низом асосида иш кўрувчи жамият раҳбари А.Сотиболдиев, иккинчи томондан Наманган шахар Марғилон қўчасида оқава сув тизимини қуриш объекти бўйича ишларини бажаришга доир мазкур пудрат шартномасини тузиб имзоладилар.

I. Тарифлар.

1. Мазкур шартномада кўйидаги тарифлар қўлланилади:

ижро ҳужжатлари – натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиқлиги тўғрисидаги ёзувлар билан биргаликда обьект курилишига ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларни бажаришда қўлланилган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисидаги далолатномалар, айрим масъулиятли конструкциялар оралиқ даврда қабул қилиниши тўғрисидаги далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг якка тартиbdаги синови тўғрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда курилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар;

курилиш майдони – мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг курилиш майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади;

вақтингчалик иншоотлар – Пудратчи томонидан курилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган ҳар қандай типдаги вақтингчалик бинолар ва иншоотлар;

беркитиладиган ишлар – сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

шартнома нархини бўлиб чиқиши – ишларнинг ҳар бир босқичи ва/ёки турлари қийматини аниқ белгилаган ҳолда шартнома бўйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

II. Шартнома мавзууси.

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига кўра лойихада кузда тутилган Наманган шахар Марғилон қўчасида оқава сув тизимини қуриш объекти бўйича ишларини бажариш мажбуриятлари олади. Буюртмачи эса Пудратчига курилиш ишларини бажариш учун зарур бўлган шароитларни яратиш, уларни қабул қилиш ва инвестор томонидан ажратилган маблағлар хисобидан тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

III. Шартнома бўйича ишлар қиймати.

3. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажариладиган ишлар, танлов (тендер) савдоси натижасида аниқланган ва тендер комиссиясининг 2022 йил 20 декабрдаги №209314-сонли баённома (лот №209314) билан тасдиқланган ишлар қиймати ҚҚС билан 1 712 844 792 (бир миллиард етти юз ўн икки миллион саккиз юз қирқ тўрт минг етти юз тўқсан икки) сўмни ташкил этади. 2022 йилда шартномани ажралмас қисми бўлган молиялаштириш графиги ва тасдиқланган манзиллий дастурга асосан 960 100 000 сўм маблағ молиялаштириб берилади. Қолган 752 744 792 сўм маблағ келгусида маблағ ажратилган сўнг молиялаштириб берилади.

4. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, кўйидаги ҳоллар бундан мустасно:

курилиш қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажкор) ҳолатлари сабаб бўлганда;

ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;

объектнинг курилиши бир йилдан ортиқ ўзгартирилганда.

5. Курилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартиба амалга оширилади.

6. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

IV. Пудратчининг мажбуриятлари

7. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга 2-иловага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ва/ёки жалб қилинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

курилиш майдонига зарур курилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, курилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, омборга жойлаш ва саклаш;

курилиш майдони худудида вақтинчалик иншоотлар куриш;

Буюртмачини пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш;

курилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф мухитни, ўтқазилган дараҳтларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироклари ўрнатиш;

курилиш таваккалчиликларини суғурта қилиш;

мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда курилиш майдонини ўзига тегишли курилиш машиналари ва асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, курилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатиш;

курилиш майдони кўриқланишини таъминлаш;

мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

8. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкий жавоб беради.

V. Буюртмачининг мажбуриятлари

9. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага 1-иловага мувофиқ ишларни бажариш учун яроқли бўлган курилиш майдонини объект курилиши ва курилиш тугаллангунгача бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-курилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

Пудратчининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига 3-иловага мувофиқ инвестор томонидан ажратилган маблағлари хисобидан аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

Агарда инвестор томонидан ажратилган маблағ ушбу объект буйича етарли бўлмаса буюртмачи ушбу объект буйича маблағ тўлашга жавобгар бўлмайди;

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб 2 ой давомида Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиш;

мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади;

VI. Ишларни бажариш муддатлари

10. Шартнома:

миллий валюта «сўмда» ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда - томонлар уни имзолаган пайтдан бошлаб;

кейинчалик ЭАВга конвертация қилган ҳолда миллий валютада «сўмда» ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда - шартнома қонун ҳужжатларига мувофиқ рўйхатдан ўтқазилгандан кейин кучга киради.

11. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

12. Тендер, танлов савдолари натижаси буйича объектни фойдаланишга топшириш муддати 90 кун.

13. Мазкур шартнома бўйича ишларни бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

VII. Тўловлар ва ҳисоб-китоблар.

14. **Буюртмачи** Пудратчига шартнома бўйича ишларни умумий, шартномавий-жорий қийматининг 30 фоизи- 513 853 438 (беш юз ўн уч миллион саккиз юз эллик уч минг тўрт юз ўттиз саккиз) сўмни ташкил этиб, аванс маблағлари белгиланган тартибда молиялаштирилади.

15. **Буюртмачи** томонидан **Пудратчига** аванс ва жорий молиялаштириш учун ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвал жадвал (2, 3 - илова)лари асос ҳисобланади.

16. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин, қурилиш даврига берилган авансни мутаносиб равишда ушлаб қолган ҳолда, ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалларига мувофиқ, маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобидан маблағ билан таъминлагандан сўнг объектнинг умумий, шартномавий - жорий қийматининг 95 фоизи доирасида амалга оширилиши кўзда тутилиб, шундан 5 фоизи объектни белгиланган тартибда фойдаланишга топширилганлиги тўғрисидаги давлат қабул комиссиясининг далолатномаси, фойдаланишга қабул қилинганлиги хақидаги қарор ва авозо тақдим этилганидан сўнг амалга оширилади.

17. Мазкур шартномада белгиланган кафолатли муддати тамом бўлгандан сўнгколган 5 фоизли кафолат қийматини молиялаштириб берилиши хақида фойдаланувчи, Буюртмачи ва Пудратчилар иштирокида тузилган далолатнома ёки розилик хати тақдим этилганда объект шартномавий жорий қийматининг қолган 5 фоизи маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобидан жратилган маблағ ҳисобидан молия йили тугагунга қадар тўлаб берилади. Ушбу 5 фоиз кафолат маблағлари учун етарли миқдорда маблағ ажратилмаса, буюртмачи ўз ҳисобидан ушбу объект бўйича 5 фоизлик кафолат маблагини тўлаш мажбуриятини олмайди.

18. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб ўттиз кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳакда қонун хужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, Наманганд туманлараро иқтисодий судига мурожаат қилиш хукуқига эгадир.

VIII. Ишларни бажариш

19. Буюртмачи қурилиш майдонида ўз вакилини – техник аудиторни тайинлади, у Буюртмачининг номидан бажарилётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш хужжатларига мувофиқлигини текширади.

20. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиқсиз танишиш хукуқига эгадир.

21. Пудратчи техник аудиторни ишлаш учун жой билан таъминлади. Техник аудитор Пудратчи томонидан ўтказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда қатнашади.

22. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

23. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини давлат архитектура-курилиш назорати органлари билан келишади ва унга риоя этилиши учун қонун хужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

24. Қурилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

25. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома билан бир вақтда Пудратчига ортиқча тупроқ ва қурилиш ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган тупроқни қазиб олиш учун жой ажратиш тўғрисидаги хужжатларни беради.

26. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда қурилиш майдонини белгилаш бўйича ишларни бажариш ва объектни привязка қилиш учун Пудратчига геодезия нукталари, уларнинг координатлари ва баландлик белгиларини тақдим этади.

27. Пудратчи геодезия нукталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари, ўлчамлари ва бўлиш ўқларининг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жарабёнида амалга оширилган бўлиш ва геодезия ишларида хатолар аниқланса, Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан киритади.

28. Пудратчи геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларининг жойлашиши схемалари ва жадвалларини сақлайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатнома бўйича Буюртмачига беради.

29. Қурилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нукталарида янгидан қурилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

30. Пудратчи ўзи томонидан курилишда қўлланиладиган курилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиҳа хужожатларида кўрсатилган спецификацияларга, давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа хужожатларга эга бўлишини кафолатлайди.

31. Алоҳида масъулиятли конструкциялар ва беркитиладиган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул қилиш бошланишидан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва вилоят Курилиш соҳасидаги худудий назорат инспекциясиниёзма равишда хабардор қиласди.

32. Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёрлиги Буюртмачи ва Пудратчи томонидан масъул конструкцияларни оралиқ қабул қилиш далолатномалари ҳамда уларнинг вилоят Курилиш соҳасидаги худудий назорат инспекцияси билан келишган шартларида беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдиқланади.

33. Пудратчи Буюртмачининг ишларни бажариш дафтарига киритилган ёзма рухсатномасидан кейингина кейинги ишларни бажаришга киришади.

34. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдигисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очишига, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир. Пудратчи Буюртмачининг манфаатларига жиддий таъсир қилмайдиган иш хужожатларидан майда четга чиқишларни Буюртмачининг розилигисиз амалга оширса, у агар буларнинг қурилиш сифатига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар ҳисобланмайди.

35. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганини аникласа, у ҳолда Пудратчи ўз кучлари билан ва қурилиш қийматини кўпайтирасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир, ушбу шартнома 34-бандининг иккинчи хатбошида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно. Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатларда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган заарларни Буюртмачига тўлайди.

36. Пудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ кўча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларни супуриб-сидиради ва озода сақлайди, қурилиш даврида майдондан қурилиш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқариб ташлайди.

37. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи ишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳоллар ва ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олиниши, ўтказилган синовлар, материаллар ўз вақтида етказиб берилмаслиги билан боғлик тўхтаб қолишлар, қурилиш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади. Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарида ўз фикрини баён қиласди. Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

Зарур ҳолларда тендер қийматидан чиқмаган ҳолда, Пудратчи Буюртмачи билан келишув тузган ҳолдаобъектдаги иш турларини белгиланган тартибда ўзгартириш мумкин.

IX. Ишларни кўриқлаш

38. Пудратчи ишлар бошланишидан қурилиш тугаллангунгача ва қурилиши тугалланган объект Буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тўсилган қурилиш майдони худудида материаллар, асбоб-ускуналар, қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада кўриқланишини таъминлайди.

39. Тикланган бинолар ва иморатлар, шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулк объект қабул қилиб олинганидан кейин сақланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

X. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажкор) ҳолатлари

40. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

41. Агар енгиг бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиласидар.

42. Агар томонлар икки ой ичida келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

XI. Қурилиши тугалланган обьектни қабул қилиб олиш

43. Қурилиши тугалланган обьектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек қурилиши тугалланган обьектларни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига биноан амалга оширилади.

44. Объектлар уларнинг фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчининг ёзма билдиришномаси Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб 5 кун мобайнида қабул қилиб олинади.

45. Пудратчи қурилиши тугалланган обьектни қабул қилиб олиш бошланишидан 5 кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофиқ Буюртмачига Буюртмачи томонидан белгиланган таркиба икки нусхада ижро ҳужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу ҳужжатлар тўплами амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

46. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб обьект Буюртмачининг мулкига айланади.

XII. Кафолатлар

47. Пудратчи:

барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

лойиха ҳужжатларига ҳамда қурилиш меъёrlари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини;

ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха ҳужжатларидага кўрсатилган сертификацияларга, техник регламентларёки стандартларга мувофиқлигини;

ишларни қабул қилиш ва обьектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилишни;

обьектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлади.

48. Объект ва унга кирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолатли муддати томонлар қурилиши тугалланган обьектни қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб камида **12 ой** этиб белгиланади. Объект томининг кафолатли муддати камида **12 ой** этиб белгиланади.

49. Агар обьектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида нуқсонлараниклиниб, улар бартараф этилгунга қадар фойдаланиши давом эттириш имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар Пудратчи томонидан унинг ўз хисобидан бартараф этилади. Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади. Агар Пудратчи бажарилган ишлардаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичida бартараф этмаса, у ҳолда Буюртмачи мазкур шартноманинг VII бўлимидаги назарда тутилган кафолат суммасини Пудратчидан ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.

50. Пудратчи нуқсонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган тақдирда, уларни текшириб чиқиш «Қурилишсоҳасиданазорат» органлари томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича иктисадий судга мурожаат қилишини истисно этмайди.

XIII. Шартномани бекор қилиш

51. Буюртмачи куйидаги ҳолларда шартномани бир томонлама тартибда, Пудратчини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда бекор қилиш ҳуқуқига эга:

шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган ҳолда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмагандан, пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёrlари ва қоидаларидаги назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилгандан, бундан ташкари Буюртмачи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

52. Пудратчи:

ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда, қонун хужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш хукуқига эга.

53. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

54. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қоидасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

55. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган заарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

56. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун хужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

XIV. Томонларнинг мулкий жавобгарлиги

57. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон:

иккинчи томонга етказилган заарларни қоплайди;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа қонун хужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарлика тортилади.

58. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари хисобидан ажратилган маблагни ўз вақтида молиялаштирганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечикирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг **0,2 фоизи** миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий миқдори кечикирилган тўлов суммасининг**30 фоизидан** ошмаслиги лозим.

Пеня тўланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган заарни қоплашдан озод қилмайди.

60. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортганлиги учун Буюртмачи Пудратчига ўзи тасдиқлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг **15 фоизи** миқдорида жарима тўлайди.

61. Пудратчи обьектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг **0,5 фоизи** миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар қийматининг **50 фоизидан** ошмаслиги лозим. Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг **0,5 фоизи** миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг **50 фоизидан** ошмаслиги керак. Пеня тўлаш Пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган заарларни қоплашдан озод қилмайди. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва коидаларига, иш хужжатларига мувофиқ бўлмаса, у холда Буюртмачи вилоят Қурилиш соҳасидаги худудий назорат инспекциясининг хulosаси асосида обьектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тартиши, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг **20 фоизи** миқдорида жарима ундириш хукуқига эга.

62. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган заарларни қоплайди.

63. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

XV. Низоларни ҳал этиш тартиби

64. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган заарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар келишуви асосида ҳал этилмаган тақдирда, низоли масала қонун хужжатларида белгиланган тартибда Наманган туманлараро иқтисодий суди томонидан кўриб чиқилади.

XVI. Алоҳида шартлар

65. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

66. Пудратчи қурилиш обьектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш хужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчι томонга сотиш ёки бериш хукуқига эга бўлмайди.

67. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолаган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

68. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай аҳдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартишилар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

69. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунлангандан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санаасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тўлашни кечикитиришга ҳақлидир.

70. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун хужжатлари нормалари қўлланилади.

71. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 14 сентябрдаги ПФ-6313-сонли Фармони талабларидан келиб чиқиб,

- тарафлар шартнома тузишда, шартноманинг амал қилиш муддатида ва ушбу муддат тугугандан сўнг, шартнома билан боғлик коррупциявий харакатларни содир қилмасликини;

- тарафлар шартномадаги коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган коррупциянинг олдини олиш чораларини тан олади ва уларга риоя этилиши бўйича хамкорликни таъминлашни;

- ҳар бир тараф шартнома тузилган пайтда бевосита ёки унинг ижрои органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлик муносабатлар юзасидан қонунга хилоф равишда норасмий пул ёки моддий кийматликлар олинишига йўл қўйилмаслик ва таклиф этмасликини кафолатлайди.

72. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 3 нусхада тузилди.

XVII. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзиллари:

“Буюртмачи”

“Пудратчи”

Наманган вилояти хокимлигининг ягона буюртмачи инжиниеринг компанияси

Манзил: Наманган ш. Амир Темур к. 105

Ўзбекистон Республикаси Молия

вазирлиги назначилиги

Ш.х.в* 100021860144017049805110012

ИНН 204 808 298 ОКЭД 70220

Банк номи: Марказий банк Тошкент шахар бош бошқармаси ҳисоб-китоб касса Маркази

Ягона ғазна х/в 2340 2000 3001 0000 1010

МФО 00014 ИНН 201 122 919

Матмусаев Дилшод Махамматюсович

М.У.

(Имзо)



Муродил вақт инвест» МЧЖ

Манзил: Косонсой т. Обод массиви

Тел/Факс 97-256-88-88, 94-155-90-77

Х/р 2020 8000 3003 7073 0001.

Микрокредит банк Наманган амалиёт булими.

МФО 00260 ИНН 200060238

ОКЭД 42210

Сотибодлиев Аброр

(Имзо)



Хукуқий экспертиза-хуласаси

Ушбу пудрат шартнома лойихасини амалдаги Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида»ги Қонуни ва бошқа қонун хужжатлари асосида хукукий экспертиза қилиб, шартнома лойихаси қонунчилик хужжатларига мос келишилигини аниқладим.

Шу сабабли, ушбу шартномани имзоласа бўлади деб хисоблайман.

Компания хукуқий маслаҳатчisi



К.Тулашев «___» 2022 й.



**Курилиш-монтаж ишларини сүгурталаш шартномаси бўйича
СУГУРТА ПОЛИСИ**

№ 06/08-09-13-16/00845

Мазкур Полис 2022 йил “22” Декабрь даги 06/08-09-13-16/00845-сон Курилиш-монтаж ишларини сүгурталаш шартномасига мувофиқ сүгурта мукофоти тўланганлиги шарти билан “TRUST-INSURANCE” АЖ сүгурта ҳодисаси содир бўлганда сүгурта товоенини тўлаш мажбурияти кучга кирганлигини ва сүгурта муддати мобайнида амалда бўлишини тасдиқлади.

Сүгурта килдирувчи

«МУРОДИЛ ВАҚТ ИНВЕСТ» МЧЖ

Объект номи

Наманган шаҳар Марғилон кўчаси оқава сув тизимини қуриш обьекти

Сүгурта пуллари

1 712 844 792,00 (Бир миллиард етти юз ўн икки миллион саккиз юз кирқ тўрт минг етти юз тўксон икки) сўм. РУз

Сүгурта мукофоти

4 750 974,00 (Тўрт миллион етти юз эллик минг тўксиз юз етмиш тўрт) сўм. РУз

Сүгурта муддати

2022 йил “22” Декабрьдан 2023 йил “31” Март гача.

Курилиш кафолати
муддати

100 кун.

Сүгурта
Мукофоти
Туланган сана

2022 йил “22” Декабрь.

Сүгурта полиси
Тақдим
этилган
сана

2022 йил “22” Декабрь.

“TRUST-INSURANCE” AJ
Наманган шаҳар филиали
Мансуров И.



TI 0022158



"ТАСДИКЛАЙМАН"
Намангандыкъынанын
Урийбосары

Намангандыкъынанын махалдий бюджеттеги маблаглары хисобидан күрүлладыган объекттар бўйича
МАИЗИЛӢ РЎЙХАТИ

(Холос депутатлари Намангандыкъынанын 20.10.2022 йилинч 1617-34-129-6-0-К22-сентек юарориге яоссан)

№	Объектларнинг номи ва жойлашушу	Курслон болаларни ин филиалларнинг төмөнкүнчлиги	Лойиҳа куранти	Объектнинг умумий каймак (шартийес асослари) жумладан, буюртмачи бонса харажатлари	01.01.22 й., холатига йилдан йилга түркияни объектнинг (хайда хисобланыш билиш) колдик каймак жумладан, буюртмачи бонса харажатлари	01.01.22 й., холатига йилдан йилга түркияни объектнинг (хайда хисобланыш билиш) колдик каймак жумладан, буюртмачи бонса харажатлари	Капитал кўйилмаларини 2022 йилдаги истиқбози				2022 йилда фойдаланинг тепинирлайдиган				2022 йилда холатига йилдан йилга түркияни объектнинг (хайда хисобланыш билиш) колдик каймак жумладан, буюртмачи бонса харажатлари				Дебет куннинг бўйича жумладан буюртмачи бонса харажатлари
							Шу жумладан	Буюртмачи харажатлари	Жами	Куннинг бўйича	Дебет куннинг бўйича	Жеке							
							КМИ	Жеке	Жами	Шу жумладан буюртмачи харажат	Асосий фонду суннин	Жеке	Жами	Шу жумладан буюртмачи харажат	Куннинг бўйича	Жеке	Жами		
A	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19
1	Намангандыкъынан шаҳар Марғизон кўчасига оқана сув тармоги тортиш	2022й	Объект	1 770,006 57,161	1 770,006 57,161	1 770,006 57,161	1 770,006 57,161	1 000,000	960,100		39,900		Объект		770,006 17,261	770,006 17,261	05.12.2022й №80450	20.12.2022й №209314	"MURODIL VAQT INVEST"МЧК
	Жами							1 000,000	960,100		39,900								

Изоҳ *) Объектга спишмайтган маблагъ телганини манба базарлардан ажраттилгандан сўз мотказашни ташди

Вилает хокимиятингининг ягона буюртмачи
инженерларнинг компанияси директори



Роҳимов

Д.Матмусаев



"УТВЕРЖДАЮ"
Директор ИК ЕЗ Наманганского
областного хокимията

Д.Матмусаев

от " " 20 г.

ТИТУЛЬНЫЙ СПИСОК СТРОЙКИ

Раздел I. Основные данные по стройке

1. Наименование и местонахождение стройки	Наманган шахар Марғилон кӯchasiga oqava sув tarmoғi tortish	
2. Отрасль	Прочие	
3. Инвестор	За счёт местного бюджета	
4. Заказчик	Инжиниринговая компания Наманганского обл.хокимията	
5. Разработчики		
5.1. ТЭО		
5.2. ПСД и/или ТД	ПСД	
5.3. Экспертизы	05.12.2022й	
6. Генеральный подрядчик	"MURODIL VAQT"	
7. Источник финансирования	За счёт местного бюджета	
8. Срок начала и окончания строительства	4-кв 2022 г	
9. Основные показатели стройки	По ПСД	Остаток на 1.01.2022 г.
Мощность (в соответс.единицах измерен.)	Объект	Объект
Основные фонды	1 712,845	1 712,845
Капитальные вложения	1 712,845	1 712,845
Строительно-монтажные работы	1 712,845	1 712,845
Оборудование, инвентарь		
Прочие работы и услуги	0,000	0,000
Содержание службы заказчика		

Прогноз на 2022 год в соответствии с согласов.
с ММЭС и МФ адресным списком

в договорных ценах
(млн.сум)

Мощность (в соответс.единицах измерен.)	Объект
Основные фонды	1 712,845
Капитальные вложения	1 000,000
Строительно-монтажные работы	960,100
Оборудование, инвентарь	
Прочие работы и услуги	39,900
Содержание службы заказчика	

Раздел II. Поквартальная разбивка прогноза на 2022 год

(в текущих ценах, млн.сум)

	Всего на год	в том числе по кварталам:			
		1	2	3	4
Ввод мощности	Объект				Объект
Основные фонды	1 712,845				1 712,845
Капитальные вложения	1 000,000				1 000,000
Строительно-монтажные работы	960,100				960,100
Оборудование, инвентарь					
Прочие работы и услуги	39,900				39,900
Содержание службы заказчика					



Подрядчик
Начальник
"MURODIL VAQT
INVEST" *
М.Ч.Ж.

А.Сотболдиев

**Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 209314 на приобретение Наманган шахар
Марғилон кўчасида оқавасув тизимини қуриш**

Способ проведения электронный

Дата 20.12.2022

Время рассмотрения 08.12.2022 06:48

Конкурсная комиссия Вилоят хокимлигининг Ягона буортмачи инженеринг компанияси, (Далее – Комиссия) в составе:

Председатель комиссии	MATMUSAYEV DILSHOD MAXAMMATYUSUPOVICH	Директор	Наманган вилоят хокимлигининг ягона буортмачи инжиниринг компанияси
Секретарь комиссии	RIZAYEV G·OFIRJON G·ULOMJONOVICH	бош мутахасси	вилоят хокимлигининг ЯБИК
Член комиссии	DEDAXANOV FARXOD BAXODIROVICH	Бош мутахассиси	Наманган вилоят Иқтисодий тарақиёт ва камбағалликни қисқартириш бош бошқармаси
Член комиссии	BOBOXONOV SARDOR ALISHER O·G'LI	бўлим бошлиғи	Наманган вилояти инвестициялар ва ташқи савдо бошқармаси
Член комиссии	ABDURAZAQOV ABDUSALOM ABDUSATOROVICH	бош мутахассиси	Монополияга қарши курашиб кўмитасининг Наманган вилоят худудий бошқармаси
Член комиссии	ALIMOV DONIYOR MAMATXONOVICh	ўринбосар	Наманган вилоят қурилиш соҳасида худудий назорат инспекцияси

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 20.12.2022 года № лота 209314.

Метод оценки предложений – Бальный метод

Мин. балл: 70

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Работы по строительству и реконструкции других сооружений
Подробное описание	Оқавасув тармоғи тортиш
Количество товара	1.00
Единица измерения	усл. ед
Цена товара (услуги) за единицу	960 100 000.00
Стартовая сумма	960 100 000.00
Валюта	UZS

Наименование товара (работы, услуги)	Работы по строительству и реконструкции других сооружений
Подробное описание	Оқавасув тармоғи тортиш
Количество товара	1.00
Единица измерения	усл. ед
Цена товара (услуги) за единицу	787 700 808.00
Стартовая сумма	787 700 808.00

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Қурилиш майдонини кўрганлик ва лойиҳани ўргангандлик тўғрисида маълумотнома 8-шакл

Тип: Текстовое значение

Описание: Қурилиш майдонини кўрганлик ва лойиҳани ўргангандлик тўғрисида маълумотнома

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО MURODIL VAQT INVEST	2	1712844792	1	Экспертная		
CHINDOVUL QURILISH INFO МЧЖ	2	Қурилиш майдони билан танишилганлиги тугрисида маълумот	1	Экспертная		

Критерий №2 Ҳужжатларни имзолаш ва танловда қатнашиш ҳуқуқини берувчи ишончнома 9-шакл

Тип: Текстовое значение

Описание: Ҳужжатларни имзолаш ва танловда қатнашиш ҳуқуқини берувчи ишончнома

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО MURODIL VAQT INVEST	2	1712844792	1	Экспертная		
CHINDOVUL QURILISH INFO МЧЖ	2	Доверенность	1	Экспертная		

Критерий №3 Танловдаги объектга ўхшаш объектларда охирги 3 йиллик иш тажрибаси 5-шакл

Тип: Текстовое значение

Описание: Танловдаги объектга ўхшаш объектларда охирги 3 йиллик иш тажрибаси асословчи хужжатлари билан

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО MURODIL VAQT INVEST	16	1712844792	14	Экспертная		
CHINDOVUL QURILISH INFO МЧЖ	16	Бажарилган ишлар тугрисида маълумот	13	Экспертная		

Критерий №4 Танлов иштирокчисининг молиявий аҳволи 3-шакл

Тип: Текстовое значение

Описание: Танлов иштирокчисининг молиявий аҳволи асословчи хужжатлари билан

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО MURODIL VAQT INVEST	19	1712844792	15	Экспертная		

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
CHINDOVUL QURILISH INFO МЧЖ	19	Молиявий натижা	13	Экспертная		

Критерий №5 Танлов иштирокчисининг иш ҳақи жамғармаси ва ҳодимлар ўртача сони бўйича кўрсаткичлари 4-шакл

Тип: Текстовое значение

Описание: Танлов иштирокчисининг иш ҳақи жамғармаси ва ҳодимлар ўртача сони бўйича кўрсаткичлари асословчи хужжатлари билан

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО MURODIL VAQT INVEST	10	1712844792	5	Экспертная		
CHINDOVUL QURILISH INFO МЧЖ	10	Солиқдан маълумотнома	5	Экспертная		

Критерий №6 Декларация, Ташкилотнинг ташкилий структураси, Танлов иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар 2-шакл

Тип: Текстовое значение

Описание: Декларация, Ташкилотнинг ташкилий структураси, Танлов иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар асословчи хужжатлари билан

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО MURODIL VAQT INVEST	20	1712844792	15	Экспертная		
CHINDOVUL QURILISH INFO МЧЖ	20	Ишчи ҳодимлар	15	Экспертная		

Критерий №7 Танлов иштирокчиси танлов вақтида иштирок этаётган ва мазкур танловнинг предмети бўлмиш обьектни қуриш (реконструкциялаш, таъмирлаш) даврида иштирок этадиган бошқа контрактлар (объектлар) ҳақида маълумот 7-шакл

Тип: Текстовое значение

Описание: Танлов иштирокчиси танлов вақтида иштирок этаётган ва мазкур танловнинг предмети бўлмиш обьектни қуриш (реконструкциялаш, таъмирлаш) даврида иштирок этадиган бошқа контрактлар (объектлар) ҳақида маълумот

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО MURODIL VAQT INVEST	5	1712844792	5	Экспертная		
CHINDOVUL QURILISH INFO МЧЖ	5	7 Шакл	5	Экспертная		

Критерий №8 Машина ва механизмлар рўйхати 6-шакл

Тип: Текстовое значение

Описание: Машина ва механизмлар рўйхати асословчи хужжатлари билан

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО MURODIL VAQT INVEST	21	1712844792	17	Экспертная		
CHINDOVUL QURILISH INFO МЧЖ	21	Машина ва механизмлар	15	Экспертная		

Критерий №9 Объект учун таклафларни қурилиш пудрат реестридан ўтган ташкилотлар иштирок этишлари шарт

Тип: Текстовое значение

Описание: Объект учун таклафларни қурилиш пудрат реестридан ўтган түғрисида асословчи хужжат биритирилади

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО MURODIL VAQT INVEST	5	1712844792	5	Экспертная		
CHINDOVUL QURILISH INFO МЧЖ	5	Гувохнома, низом, СТИР, Реквизит	5	Экспертная		

Финансовое значение

Наименование товара: Работы по строительству и реконструкции других сооружений

Ценовые предложения				Порядок оценки ценовых предложений	
Наименование участника	Стартовая сумма (UZS)	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Коэффициент, используемый для расчета предложений нерезидентов	Итоговое значение (UZS)
ООО MURODIL VAQT INVEST	960 100 000.00	940 898 000.00 UZS	940 898 000.00	00.00	940 898 000.00
CHINDOVUL QURILISH INFO МЧЖ	960 100 000.00	950 500 000.00 UZS	950 500 000.00	00.00	950 500 000.00

Наименование товара: Работы по строительству и реконструкции других сооружений

Ценовые предложения				Порядок оценки ценовых предложений	
Наименование участника	Стартовая сумма (UZS)	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Коэффициент, используемый для расчета предложений нерезидентов	Итоговое значение (UZS)
ООО MURODIL VAQT INVEST	787 700 808.00	771 946 792.00 UZS	771 946 792.00	00.00	771 946 792.00
CHINDOVUL QURILISH INFO МЧЖ	787 700 808.00	779 823 800.00 UZS	779 823 800.00	00.00	779 823 800.00

Оценка участников финансовой части составила:

Стартовая сумма составляет 1 747 800 808.00 UZS

Наименование участника	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации	Применение преференции	Коэффициент, используемый для расчета	Общее значение (UZS)	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
------------------------	--------------------	----------------------------	------------------------	---------------------------------------	----------------------	------------------	-------------------------

		(UZS)		предложений нерезидентов			
ООО MURODIL VAQT INVEST	1 712 844 792.00 UZS	1 712 844 792.00	00.00	00.00	1 712 844 792.00	17.12.2022 09:08:26	10
CHINDOVUL QURILISH INFO МЧЖ	1 730 323 800.00 UZS	1 730 323 800.00	00.00	00.00	1 730 323 800.00	17.12.2022 15:36:01	9.89898

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
ООО MURODIL VAQT INVEST	70.2	10	80.2
CHINDOVUL QURILISH INFO МЧЖ	65.7	9.89898	75.59898

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 209314 от 20.12.2022 года на приобретение Наманган шахар Марғилон кўчасида оқавасув тизимини қуриш определила победителем:

ООО MURODIL VAQT INVEST
200060238

и резервный исполнитель: CHINDOVUL QURILISH INFO МЧЖ (302541994)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Председатель комиссии	MATMUSAYEV DILSHOD MAXAMMATYUSUPOVICH	Согласен	
Член комиссии	DEDAXANOV FARXOD BAXODIROVICH	Согласен	
Член комиссии	BOBOXONOV SARDOR ALISHER O'G'LI	Согласен	
Член комиссии	ABDURAZAQOV ABDUSALOM ABDUSATOROVICH	Согласен	
Член комиссии	ALIMOV DONIYOR MAMATXONOVICH	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI QURILISH VAZIRLIGI
«SHAHARSOZLIK HUJJATLARI EKSPERTIZASI»
DAVLAT UNITAR KORXONASI

Наманган вилояти

Namangan viloyati 160100, Namangan shahri, A.Temur ko'chasi, 105-uy, Tel. (69)-233-02-50, E-mail: namexpert@umail.uz www.mc.uz www.mc.uz

Holati: Ijobiy

Direktor: Isakdjanov Avazbek Ismondjonovich

Sana:05-12-2022 yil



Yig'ma ekspert xulosasi № 80450

Obyekt nomi «Namangan viloyati Namangan shahar Marg'ilon ko'chasida oqavasuv tizimlarini qurish»

Buyurtmachi - Namangan viloyat hokimligining Yagona buyurtmachi injiniring kompaniyasi

Bosh loyihachi - "PROEKT-SERVIS" MCHJ

Litsenziya AL-000804 9.06.2020-yilda O'zbekiston Respublikasi Qurilish vazirligi tomonidan berilgan

Moliyalashtirish manbai - Budget

Bosh pudratchi - Tender asosida

Qurilish turi Yangi qurilish

Murojaat raqami: № 75478

1. Loyihalash uchun asos

1.1. Xalq deputatlari Namangan viloyati Kengashining 20.10.2022 yildagi VI-34-129-6-0-K/22-sonli qarori.

1.2. Buyurtmachi tomonidan tasdiqlangan va "Namangan suv ta'minoti" MCHJ bilan kelishilgan loyiha topshirig'i.

1.3. Namangan viloyat Qurilish bosh boshqarmasi tomonidan berilgan 22.11.2022 yildagi 1714-1714401-55779-sonli arxitektura rejalashtirish topshirig'i.

1.4. Muhandislik-kommunikatsiya tarmoqlariga ulanishning texnik shartlari va muhandislik tarmoqlarini nazorat qiluvchi manfaatdor tashkilotlar tomonidan tasdiqlangan materiallar.

1.5. "O'ZGASHKLITI" DUK Namangan filiali tomonidan bajarilgan qurilish maydonining muhandislik-geologik sharoitlari to'g'risida xulosa.

1.6. Loyerha va tadqiqot ishlari uchun tuzilgan 2022 yildagi 247-sonli shartnoma.

2. Ekspertiza uchun taqdim etilgan materiallar

2.1. "Ishchi loyiha"ni ishlab chiqish bosqichidagi loyiha hujjatlari:

- Umumiy tushuntirish yozuvi.

- Oqavasuv tarmog'i. Umumiy ma'lumotlar, oqavasuv tarmog'i trassa rejasi, bo'ylama kesim, tugunlar va quduqlar, jixoz va uskunalarga bo'lgan ehtiyoj jadvali.

- Smeta hujjatlari.

3. Loyiha yechimlarining qisqacha mazmuni

3.1. Qurilish uchastkasi tavsifi.

Oqavasuv tarmog'i Namangan shahar Marg'ilon ko'chasida joylashgan bo'lib, tanlangan joy IV-iqlimiylar sharoitga to'g'ri keladi. Zilzilaga bardoshliligi bo'yicha - 8 ball. Tashqi havo xarorati - 14°s. Me'yoriy qor yuklamasi - 0,50 kPa va shamol yuklamasi - 0,38 kPa. Poydevor ostining 1-qatlamida suglinok (qatlam qalinligi 2,3 metrgacha) asos bo'lib xizmat qiladi. Yerning seysmik xolati bo'yicha toifasi - II.

Cho'kuvchanligi bo'yicha 1-guruh tuproq turiga to'g'ri keladi. Yer osti suvlari yer satxidan 1,7-3,4 metrda aniqlangan. Yerni tuzilish relef - tekis.

3.2. Loyihaning asosiy yechimlari.

1. Oqavasuv tarmog'i.

Loyihalanayotgan oqavasuv tarmog'i polietilen quvurlardan iborat bo'lib, umumiyligi - 840 metr. Shu jumladan: Ø500 mm - 700 metr, Ø315 mm - 140 metr. Tarmoqda yig'ma temir-beton quduqlar ko'zda tutilgan. Oqavasuv tarmog'ini avtomobil yo'lidan kesib o'tishi uchun po'lat quvurdan g'iloflar ko'zda tutilgan.

4. Loyihalanayotgan ob'ektning muhandislik ta'minoti:

4.1. Oqavasuv ta'minoti - "Namangan suv ta'minoti" MCHJning 8.05.2022 yildagi 02/36-sonli texnik shartiga muvofiq nazarda tutilgan. Ulanish nuqtasi etib mavjud oqavasuv kollektori qabul qilingan.

5. Loyihani kelishilganligi to'g'risida hujjatlar.

- Oqavasuv tarmog'i trassa rejasi Namangan viloyati SEO va JSB, Namangan viloyati AYHBB, Namangan shahar Qurilish bo'limi va "Namangan suv ta'minoti" MCHJ "Hududiy oqava tozalash" bo'limi bilan kelishilgan.

- Buyurtmachining loyiha-smeta hujjatlarini ko'rib chiqish bo'yicha 2022 yildagi yig'ilish bayoni.

6. Ekspertiza natijalari.

6.1. Ekspertiza jarayonida mutaxassislarning izohlariga muvofiq loyiha hujjatlariga quyidagi asosiy tuzatishlar va qo'shimchalar kiritildi:

6.1.1. Buyurtmachining texnik kengashida ishchi loyixani ko'rib chiqish natijalari asosidagi yig'ilish bayoni - taqdim etildi.

6.1.2. Oqavasuv tarmog'i trassa rejasi Namangan viloyati SEO va JSB hamda Namangan viloyati AYHBB bilan - kelishildi.

Trassa rejasi.

6.1.3. Hududiy oqavasuv ta'minoti korxonasining 8.05.2020 y., 02/36-sonli texnik shartining amal qilish muddati - uzaytirildi.

6.1.4. Kollektor uchun quvur diametrini tanlash hisoblari - taqdim etildi.

6.1.5. SO.NK-2 jinox va uskunalar ehtiyoji jadvalida transheya devorini taxta bilan mahkamlashda qayta ishlatalishi - inobatga olindi.

6.2. Ekspertiza natijalariga ko'ra buyurtmachining boshqa xarajatlarisiz va qo'shimcha qiymat solig'i (QQS) bilan 1771843,236 ming so'm miqdorida taqdim etilgan loyiha qiymati 24042,428 ming so'mga

kamaytirilib, **1747800,808 ming so'm** qilib belgilandi. Xususan:

Qurilish-montaj ishlari:	1519826,790	ming so'm
QQS:	227974,018	ming so'm
- Bundan tashqari		
Buyurtmachining boshqa xarajatlari:	50000,000	ming so'm
6.3. Yakuniy xarajat buyurtmachi va pudratchi tomonidan qurilish tugagandan so'ng nazorat o'Ichovi natijalari asosida aniqlanadi.		

6.4. Buyurtmachi loyiha hujjatlarini tasdiqlashdan oldin belgilangan tartibda barcha manfaatdor vakolatli organlar bilan kelishishi lozim.

6.5. Ekspertizadan o'tkazish uchun taqdim etilgan loyiha hujjatlarining to'liqligi, ma'lumotlarning ishonchliligi yuzasidan buyurtmachi va qabul qilingan loyiha yechimlari yuzasidan ishlab chiquvchi javobgar hisoblanadi.

7. Xulosalar.

7.1. Ekspertiza natijalarini hisobga olgan holda "Namangan viloyati Namangan shahar Marg'ilon ko'chasida oqavasuv tizimlarini qurish" ishchi loyihasi kelgusida ko'rib chiqish va tasdiqlashga tavsiya etiladi.

Izoh: Yer qazish ishlarini boshlashdan avval, zaruratga ko'ra muhandislik tarmoqlaridan foydalanuvchi manfaatdor tashkilotlar hamda yo'l korxonasi vakillari ishtirokini ta'minlash lozim.

Bosh mutaxassis: Jalilov Shokirjon Zokirjonovich